

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1

Урганч тумани

07.01.2022 йил

"Шохрузбек Махсулотлари" МЧЖ бундан буён матинда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари А.Сапаев. фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Урганч туман мактабгача таълим бўлими бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан мудир О.Пирназаров фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан қуйидагилар тугрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли товарни «Харидор» га мулк қилиб топшириш, «Харидор» эса ушбу товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги № 1 жадвалида курсатилган.

1.3.

№	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Суммаси
1	Мол гўшти	кг	800	62000	49 600 000
2					
3					
4					
5					
6					
7					
	<b>Жами:</b>				<b>49 600 000</b>

1.4. Товарнинг умумий баҳоси (Қирқ тўққиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.

1.5. Шартноманинг (Қирқ тўққиз миллион олти юз минг) сўми бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

«Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

2.2. Тўлов шакли: Пул Сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йули билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. «Харидор» нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3.1.2. «Сотувчи» нинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

3.1.3. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

3.1.4. «Сотувчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

3.2. «Сотувчи» нинг ҳуқуқлари:

3.2.1. Зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3.2.2. «Харидор» нинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

3.2.3. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

3.2.4. «Харидор» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик

#### 4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган маҳсулотни «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 10 банк иш куни ичида беришга;

4.1.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонун, “Фуқаролик кодекси” ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

4.1.3. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

4.1.4. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 иш куни ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.3-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

4.2. «Харидор» мажбурияти:

4.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

4.2.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонун, “Фуқаролик кодекси” ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

4.2.3. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 1 иш куни ичида «Сотувчи»ни оғохлантириш;

4.2.4. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

4.2.5. **ВМ 08.05.2019 йилдаги 386-қарорига асосан «Сотувчи» «Харидор»га гўшт маҳсулотларини етказиб беришда ихтисослаштирилган замонавий сўйиш корхонасининг Ф-200 шаклдаги маълумотномасини тақдим қилиш.**

#### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

5.2. «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги ва тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Харидор» товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Сотувчи»дан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса «Харидор» етишмаётган қисмлар қийматини кўшган ҳолда, «Сотувчи»дан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

5.5. «Сотувчи» «Харидор»нинг талабини олган пайдан бошлаб, 15 (ўн беш) кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт.

5.6. Идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун «Сотувчи» «Харидор»га бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.7. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек «Сотувчи» шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Харидор» етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

5.8. Товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун «Харидор» маҳсулот «Сотувчи»га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.9. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Харидор» «Сотувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

**5.10.** Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

**6.1.** Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

**6.2.** Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## **7. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**7.1.** Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

**7.2.** Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси иқтисодий суднинг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин

## **8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**8.1.** Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

**8.2.** Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

## **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

**9.1.** Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб 2 нусхада тузилган, ҳамда ушбу шартнома ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради

**9.2.** Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

## **10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.**

### **«СОТУВЧИ»**

### **«ХАРИДОР»**

<b>SHOXRUZBEK MANSULOTLARI MCHJ</b>	<b>Урганч туман МТБ</b>
Манзил: Урганч туман Чотқўпир қишлоғи	Ман: Урганч туман мустаккиллик кучаси 35 уй
Тел: 97-516-89-83	Тел: 35-21-146 35-21-147
х/р: 2020 8000 7052 9103 8001	Шхр: 100022860332177091100251002 Шхр:
ИНН: 307 816 022	ИНН: 305153462
Банк: «Hamkorbank» АТБ Урганч филиали	Оқонх: 92400
Мфо: 01020	<b>Молия вазирлиги Ғазначилиги</b> <b>Хр: 23402000300100001010</b> <b>Банк: Марказий банк Тошкент .ш.</b> <b>ХККМ</b> <b>МФО: 00014 ИНН: 201122919</b>

М.Ў. \_\_\_\_\_  
(Имзо)

**А.Сапаев**  
(Ф.И.О.)

М.Ў. \_\_\_\_\_  
(Имзо)

**О.Пирназаров**  
(Ф.И.О.)